

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 6-aprel, shanba № 25 (15663)

## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

**Тошкент шаҳрида 5 апрель куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари халқаро сиёсат соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка доир кўплаб масалаларни муҳокама қилдилар. Мажлисда гуманитар соҳада, хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳамкорликнинг бошқа йўналишларида давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ташқи ишлар вазирлари Ҳамдўстлик доирасида 2012 йилдаги ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги кўп қиррали маслаҳатлашувлар режасининг ижроси масаласини кўриб чиқдилар ва 2013 йил учун мўлжалланган ана шундай режани тасдиқладилар. МДХга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирликлари консуллик хизматлари раҳбарлари маслаҳат кенгаши тўғрисидаги низом лойиҳаси ҳам тасдиқланди.

Мажлис иштирокчилари МДХ давлатларининг олий ва олий касб-хунар таълими тўғрисидаги ҳужжатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битим, МДХ давлатларининг 2020 йилгача бўлган даврда Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси, 1997 йил 17 январда қабул қилинган МДХ ҳудудида ягона (умумий) таълим маконини шакллантиришга оид ҳамкорлик ҳақидаги келишувга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги протокол, МДХ давлатларининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган асосий тадбирлар режаси лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Мажлисида, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш борасидаги МДХ давлатларининг ҳамкорлик концепцияси, Ҳамдўстлик давлатлари ташқи чегараларида чегара хавфсизлигига таҳдидларни тезкорлик билан бартараф этиш учун чегара идоралари мутахассислари (экспертлари) қўшма гуруҳини шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги битим лойиҳалари кўриб чиқилди. МДХга аъзо давлатларнинг солиқ (молиявий) текширув органлари раҳбарларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалалари муҳокама қилинди.

Муҳокамалар давомида билдирилган таклифлар ва мулоҳазалар инobatга олинган ҳолда кўриб чиқилган ҳужжатлар лойиҳалари МДХ Давлат раҳбарлари ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашларига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

ЎЗА



Сардор Муллажонов фотокolleжаи

«Kamolot» ko'zgu

## Тенгдошлар билан учрашув

«Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати Данғара тумани кенгаши ташаббуси билан туман хотин-қизлар қўмитаси ва тумандаги касб-хунар коллежлари ҳамкорлигида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Фаридaxon Умаралиева билан учрашув ўтказилди.

Адабиёт йўналиши бўйича ушбу мукофотга лойиқ топилган Фариданин «Орзуларим», «Дилларнинг қўш навоси», «Бахт қасрида яшайман» ва «Қалбдаги кўёш» каби шеърини тўпламлари шеърини мухлисларга яхши

таниш. 2006 йили республика ёш қаламкашларининг «Нафосат» танлови, 2007-2008 йилларда «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали ва 2012 йилда «Ватан ягона-дир, Ватан биттадир!» кўрик-танловларида ишти-

рок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган Фаридажорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорига айланди.

Туман ҳокимлигида ўтган учрашувда «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчилари, мактаб ва касб-хунар коллежларидаги иқтидорли ёшлар иштирок этди.

— Фаридaxonнинг ушбу ютуғи туманимиз ёшларининг ютуғи, десак, хато

бўлмайди, — дейди Харақатнинг туман кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Шаҳноза Ўринова. — Ушбу учрашув иқтидорли, интилувчан ва фаол ёшларимизни янада изланишга, янги марралар сари интилишга ундайди.

Бундай учрашувларни тумандаги ҳар бир таълим муассасасида ўтказиш мўлжалланаяпти.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari

# Ғолиблик бир қадам, мағлубият икки қадам олдинга ундайди

Жўшқин ёки сокин мусиқа... Ғўзал рақслар ҳамоҳанглигида самоларга парвоз этгандек бўласиз. Бу шунчаки рақс эмас, мураккаб, шу билан бир қаторда, нафис спорт тури ҳамдир. Бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланиб, юқори марраларга эришадиган Шоҳиста Рашидова бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

## — Аввало, мукофот мубо-рак, Шоҳистахон!

— Раҳмат. Бундай юксак ишончи қозониш мен учун шараф.

## — Албатта. Иштиёқ — келажак учун илк қадам. Бу фикр-ни қандай баҳолаган бўлардингиз?

— Чиндан ҳам, инсонда биринчи галда қизиқиш ва истак бўлиши керак. Ана шу истакни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қиламиз. Синглим бадий гимнастика билан шуғулланар, устозидан ўрганганларини уйда такрорларди. Ўз-ўзидан менда ҳам қизиқиш пайдо бўлди. Одатда, бадий гимнастика билан тўрт-беш ёшдан шуғулланишни бошлаган маъқул. Мен олти ёшимда Наманган шаҳридаги 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида малакали мураббийлар — Ирина Ким ҳамда Зикие Гнездилова кўл остида спорт сирларини ўргандим...

## — Муваффақиятлар ортида машаққатли меҳнат ётади. Баъзан спортда мағлуб бўлишга ҳам тўғри келади. Мағлубиятнинг «захри»ни тотиш осон бўлмас керак?

— Ғолиблик бир одим олға қадам ташлашга чорласа, мағлубият икки қадам одимлашга ундайди. Хатолардан хулоса чиқа-

рамиз-у, янада кўпроқ меҳнат қиламиз. Мусобақалар давомида омадсизликка ҳам учраганман. Аммо бундай пайтларда руҳиятимни чўктирмайман.

## — Мусобақаларда ҳар хил ҳолатлар юз бериб турса керак?

— Албатта! Масалан, 2009 йили Гулистон шаҳрида «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари ўтказилиши керак эди. Финал босқичига уч кун қолганда кўлим жароҳатланган. Шунга қарамай, иштирок этишга ҳаракат қилдим. Гарчи жароҳатим қаттиқ азоб берган бўлса-да, бор маҳоратимни кўрсатдим. Бироқ мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида қатнаша олмаганим менга



жуда алам қилганди.

## — Зулфияхоним издошларини... Бу эътирофни эшитганингизда қалбингизда кечаётган туйғуларни ифодалай оласизми?

— Ҳаяжонимни яшира олмайман. Кўксимга нишон тақилаётган дақиқалар кўз олдимдан кетмайди сира. Айниқса, юртимизда қизлар спортини ривожлантириш учун яратилаётган имкониятлар, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бизни янада катта зафарларга илҳомлантиради.

## — Келажакда бадий гимнастика мураббийси бўлиш ниятингиз борми ёки?..

— Спорт ҳаётимнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Лекин келажакда шифокор бўлмоқчиман, яъни оиламиз аънасини четлаб ўтолмайман.

Ойдин РЕЖАББОВА  
суҳбатлашди

Quvnoq maydoncha

## БўЛАЖАК ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИ

Сариосиё тумани Хуфар қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Чароғон» болалар спорт мажмуасида 1998-1999 ва 2000-2001 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида футбол мусобақасининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё, Навоий, Бухоро вилоятларида халқ таълими тизимидаги футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ўқувчиларидан иборат саккизта жамоа қатнашди.

Тўрт кун давом этган мусобақада 1998-1999 йилларда туғилганлар ўртасида Бухоро вилояти Ромитан тумани ёшлари биринчи ўринни эгаллади. 2000-2001 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида эса мезбон жамоа ғолибликни қўлга киритди. Мусобақа иштирокчиларига Сариосиё туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотларнинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,  
«Turkiston» мухбири

## БАҲОР ҒУНЧАЛАРИ

Бўка туманидаги 5-мактабда бадий гимнастика бўйича «Камалак» ғунчалари мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мусобақа «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари, республика касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят бўлими, вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, вилоят гимнастика федерацияси ва бир қатор ташкилотлар иштирокида ўтказилди. Унда туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 36 нафар ўқувчи киз қатнашди.

Қизгин беллашувлар натижасида Бекобод шаҳридан Моҳира Раҳимова биринчи ўринни, Чирчиқ шаҳридан Зиёда Абдуллаева иккинчи ўринни, Ангрен шаҳридан Диёра Ортиқбоева учинчи ўринни қўлга киритди. Фаол иштирок этган спортчи қизларга Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалар топширилди.

Гулжаҳон СУВОНОВА

Ogohlik

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида «Ёшлар терроризмга қарши» мавзuida анжуман бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

## Ҳақиқий фуқаронинг бурчи

— Тинчлик — жуда катта, қиёси йўқ неъмат, — деди тадбирда иштирок этган Ички ишлар академияси катта ўқитувчиси, капитан Камолиддин Убайдуллаев. — Афсуски, жаҳонда ана шу неъматни қадрламайдиган, аксинча, одамлар тинчини, ҳаётини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳам йўқ эмас. Уларга қарши ҳар бир виждонли шахс курашиши керак. Сиз, ёшларнинг курашинингиз бу — авваламбор, ҳамиша огоҳ ва хушёр бўлишингиз, яхши ўқишингиздир. Ўз оиласи, ватани, халқи учун қайғурадиган инсон ҳақиқий фуқародир. Одамлар ҳаловатини бузадиган кимса инсоният душманидир.

Очиқ мулоқот, самимий мулоҳазаларга бой ўтган учрашув талабаларда катта таассурот қолдирди.

Махсума ОКҚЎЗИЕВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

## Зукко ва маҳоратли

Қашқадарё вилоят «Ёшлар маркази»да Кўзи ожизлар жамияти бошқаруви тизимида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар ўртасида «Маҳорат» вилоят кўрик-танлови ташкил этилди. Обод турмуш йили муносабати билан ўтказилган ушбу танлов «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ҳамда Кўзи ожизлар жамиятининг вилоят бўлими ҳамкорлигида амалга оширилди.

Танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлганлар ўз билли ва маҳоратларини синовдан ўтказишди. Улар имконияти чекланган бўлишига қарамасдан, сабзи тўғраш, салат тайёрлаш, қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ҳамда ғазал ўқиш маҳоратлари

билан томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Танлов ғолибига айланган Феруза Шодиева шундай деди:

— Кўриш имкониятим чекланган бўлса-да, ўзимни бахтли инсон деб айта оламан. Чунки олий маълумотли бўлиб, кўзи ожизлар

мактабида ўзим сингари ёшларга она тили ва адабиёт фанидан дарс бераман. Оилада ҳам ўз ўрним бор. Уч нафар фарзанднинг онасиман. Бундай тадбирлар, танловлар бизни янада фаол бўлишга, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз устимизда ишлашга ундайди.

Танлов сўнггида ғолиб ва иштирокчиларга ҳамкор ташкилотларнинг совғалари топширилди.

Гулсал ҲОТАМОВА,  
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё  
вилояти кенгаши қошидаги  
«Ёш оила» маркази раҳбари

## Кулдиради, куйдиради...

Тошкент Фотосуратлар уйида карикатурачи рассом Маҳмуд Эшонқуловнинг «Карикатура — кулдиради, куйдиради...» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Бадий акаде-

мияси раиси А.Нуридинов ва бошқа машҳур рассом ва ҳайкалтарошлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда тасвирий санъатнинг барча йўналишларини изчил ривожлантириш, рассомлар меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Бу жиҳатлар фарғоналик

карикатурачи мусавир М.Эшонқулов ижодида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ижодкор карикатуралари «Муштум» журнали ва бошқа нашрлар, қатор китоблар саҳифаларини беаган, АҚШ, Аргентина, Польша, Руминия, Исроил каби хориж давлатларида ўтказилган халқаро кўргазмалар, кўрик-танлов ва

фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлган.

Рассом самарали ижоди учун 2008 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

Кўргазмада рассомнинг уч юзга яқин ижодий иши намойиш этилмоқда.

Манзура БЕКЧОНОВА,  
«Turkiston-пресс»

«Kamolot» sadosi

# Ҳуқуқий билимингиз янада ортади

Марказий Офицерлар уйида Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш томонидан ўтказилган «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги илмий-амалий анжуман аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий шакли ва услубларини жорий этишга бағишланди.

Анжуманда Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-

лантириш концепцияси»да белгиланган ҳуқуқий масалалар таҳлил этилди.

— 2011 йилдан буён Адлия вазирлиги ҳузурида ҳуқуқий

тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш фаолият юритиб келмоқда, — дейди Адлия вазирлигининг ахборот хизмати раҳбари Тоҳир Саидбобоев. — Кенгашнинг асосий вазифаси оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларини ҳуқуқий тарғибот ҳамда маърифат фаолиятига кенг жалб этишдир. Бугунги кунда вазирлик томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарғибот ишларини самара-

ли йўлга қўйиш мақсадида 14 та давлат органи, жамоат бирлашмалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда меморандумлар имзоланган. Яна ўндан ортиқ икки томонлама ҳамкорликни самарали ташкил этишга қаратилган меморандумлар лойиҳалари тайёрланиб, ҳуқуқий тарғибот дастури ва режалар тасдиқланди. Ушбу ҳужжатлар асосида ўтган йили жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган 267 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, уларга

етти миллионга яқин фуқаролар жалб қилинди.

Тадбирда ҳуқуқий журналистикани ривожлантиришда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда олий юридик таълим муассасаларининг ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишдаги вазифа ва имкониятлари, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва масъулияти каби масалалар юзасидан сўз юритилди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

«Kamolot» loyihalari



## Татамида — ёшлар

Самарқанд шаҳрида «Биз жиноятчилик ва терроризмга қарши курашамиз!» шиори остида фудокан каратэ-до бўйича «Камолот» ЁИХ Самарқанд шаҳар кенгашининг очик турнири бўлиб ўтди. Мусобақа шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар вакиллиги ва Фудокан каратэ-до вилоят федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан спортчи ўғил-қизлар иштирок этишди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида ташкилотчилар билан бирга, фахрий спортчилар, олий таълим муассасаларида кўп йиллар давомида жисмоний тарбия фанидан дарс берган фахрий ўқитувчилар ҳам иштирок этишди ва иштирокчиларни қутлашди.

— Фудокан каратэ-до билан болалигимдан шуғулланаман, — дейди Пайариқ тиббиёт коллежи ўқувчиси Муроджон Абдураҳмонов. — Вилоят ва республика миқёсидаги

мусобақаларда бир неча маротаба совриндор бўлдим. Бугун ҳам 16-17 ёшли ўсмирлар ўртасида 1-ўринни эгалладим. Келгусида халқаро мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтаришни олдимга мақсад қилиб қўйганман.

— Шаҳримизда спорт билан шуғулланувчи ёшлар сони ортиб бормоқда, — дейди Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Рустам Қобилов. — Бу қувонарли ҳол, албатта. Зеро, ёшлар

бўш вақтини бекор ўтказмай, спорт билан шуғулланишса, жиноятчилик ва бошқа иллатлар уларга яқин йўламайди.

Мусобақада қизлар ҳам фаол иштирок этишди. Улардан бири — Самарқанд шаҳридаги 3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, фудокан каратэ-до бўйича 7 карра жаҳон чемпиони Зайнура Тешаева. Унинг фикрича, каратэ билан шуғулланган қизлар ўз саломатлигини мустаҳкамлабгина қолмай, ўзларини ҳимоя қилишни ҳам ўрганишади.

Икки кун давом этган қизгин баҳслар натижасида умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти биринчи, Жиззах вилояти иккинчи ва Хоразм вилояти учинчи ўринни қўлга киритди. Фолибларга турнир ташкилотчилари ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Наргиза БАҲОДИРОВА**

Tengdosh-tengdoshga

## Иллатнинг ижобийси бўлмайди

Қарши қурилиш касб-ҳунар коллежида «Биз соғлом ҳаётни танлаймиз» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошидаги «Ёш оила» маркази томонидан ўтказилган ушбу семинарда ёш тарғиботчилар иштирокчиларга «тенгдош-тенгдошга» тамойили асосида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва турли иллатларнинг салбий ҳолатларини тушунтириб

беришди. Семинар кичик гуруҳларда интерфаол ўйинлар ёрдамида олиб борилди.

Семинар якунида ўқувчиларга мавзу юзасидан тарқатма материаллар берилди. Бундай тарғибот ишлари «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгашида фаолият олиб бораётган ёш тарғиботчилар гуруҳи томонидан таълим муассасалари ва маҳаллаларда олиб борилаёпти.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ**

«Kamolot» sadosi

## Тиббий кўрик — биров эмас, ўзингиз учун

Тиббий кўрик, эрта ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ... Бу ҳақда Қарши давлат университети қошидаги 4-академик лицейда «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг моҳияти» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида сўз борди.

«Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши қошидаги «Ёш оила» маркази ташаббуси билан Республика саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят филиали, «Оила ва никоҳ» маркази, вилоят «Оила» илмий-амалий маркази, ФХДЁ бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу давра суҳбатида эрта ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, ахлоқий қоидалар, оилада фарзандларнинг тарбияси, тиббий кўриқнинг моҳияти тўғрисида маърузалар қилинди.

Тадбир хусусида Республика саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят филиали шифокори Гулноза Бердимуродова шундай деди:

— Ёшларнинг ҳар томонлама соғ-

лом бўлиши, энг аввало, уларнинг тўғри овқатланишига, шахсий гигиенасига, ахлоқий қоидаларига боғлиқ. Соғлом турмуш тарзини ҳаётга татиқ этиш эса ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Ўзини соғлом ҳис қилган ҳар қандай инсон ҳам ҳар уч ойда тиббий кўриқдан ўтиши лозим. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилаётган бундай тадбирлар, амалий учрашувлар вилоятнинг барча ҳудудларида, қишлоқларида ҳам амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— Бугунги учрашув биз, ёшларга катта сабоқ бўлди. Соғлом турмуш тарзига амал қилиб, саломатлигимизни авайлаб, ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланишимиз зарур экан, — дейди Қарши давлат университети қошидаги 4-академик лицей ўқувчиси Фотима Хўжанова.

Тадбирда ўқувчи-ёшларга ОИВ инфекцияси, гиёҳвандликнинг оқибатлари акс эттирилган «Вирус таъсири» номли қисқа метражли фильм намойиш этилди.

**Гулсала ХОТАМОВА,**  
**«Камолот» ЁИХ Қашқадарё**  
**вилояти кенгаши қошидаги «Ёш оила» маркази раҳбари**

## ТЕЛЕРАДИО, ИНТЕРНЕТ ҲАМДА ФОТОЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА ИЖОД ҚИЛУВЧИ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ДИҚҚАТИГА!

— Журналистиканинг телевидение, радио ва интернет йўналишларига қизиқувчи;

— Бу соҳаларда ишлашнинг замонавий билим-кўникмаларидан хабардор;

— Телерадио ва интернет лойиҳалар бўйича ғоя ва ташаббусларга эга;

— Тасвирга олиш, овоз ёзиш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида етарли тажриба тўплаган ёшларни «Камолот» медиа лойиҳалари маркази **кастингга таклиф этади!**

Кастинг голиблари

— Ҳаракатнинг медиа лойиҳаларида иштирок этиш ёки уларга муаллифлик қилиш имкониятини қўлга киритадилар ва ўзларининг ижодий ишларини Ҳаракат муассислигидаги ОАВларида нашр этиш, эълон қилиш имкониятларига эга бўладилар;

— Ахборот соҳасида изланувчан иқтидорли талабалар Ҳаракатнинг «Камолот» гранти ва «Камолот» стипендияси танловларида иштирок этишда имтиёзга эга бўлишлари мумкин;

— Замонавий жиҳозланган, ёш журналистларнинг маҳорат мактаби сифатида иш бошлаётган «Камолот» медиа лойиҳалари марказига ишга қабул қилинишлари мумкин.

Кастингда иштирок этиш учун аризалар жорий йилнинг 1 апрелидан 10 апрелигача Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши матбуот хизмати бўлимида қабул қилинади.

**Батафсил маълумот — www.kamolot.uz веб-сайтида.**

# Янги таянч марказлари

Mahalla va yoshlar

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларида «Камолот» таянч марказлари ташкил этилмоқда. Яқинда шаҳардаги 37 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 28 тасида шундай марказ иш бошлади.

«Камолот» ЁИХ Бекобод шаҳар кенгаши, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, ички ишлар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилаётган марказнинг асосий мақсади маҳаллалардаги ўттиз ёшгача бўлган уюшмаган ёшларни бирлаштириш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, турли маданий-маърифий тадбирлар ҳамда спорт мусобақаларини ўтказиш, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишга қаратилган. Марказда маҳалла посбони, «Камолот» ЁИХ ва «Маҳалла» хайрия

жамоат фонди фаоллари ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилот фаолият олиб боради.

Марказда оила қуриш оstonасида турган ёшларга Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти томонидан никоҳ ёши, тиббий кўрик, эрта турмуш ва унинг оқибатлари каби долзарб мавзуларда маслаҳатлар берилди.

Марказларнинг барчаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан зарур адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалар билан таъминланмоқда.

Вилоятда бундай ҳамкорликни янада кенгайти-



риш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси, одам савдоси ва гиёҳвандликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида «Камолот» ЁИХ туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича

комиссияларнинг масъул ходимлари иштирокида ўқув семинари ташкил этилди. «Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгашида бўлиб ўтган ушбу семинарда вилоят прокуратораси, ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлими вакиллари, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги наркотик моддаларни на-

зорат қилиш минтақавий комиссияси масъул котиби ҳамда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ходимлари қатнашди. Семинарда одам савдоси, ўсмир-ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ички ишлар идоралари профилактика ҳисобида турган вояга етмаганлар билан ишлаш, гиёҳвандликка қарши курашиш каби долзарб вазифалар, уларнинг ечими ҳамда ҳамкорликдаги режалар бўйича маърузалар ўқилди.

— Бир неча йилдан буён ИИБ профилактика ҳисобида турувчи вояга етмаганларни ҳисобдан чиқариш мақсадида «Камолот» ва бир қатор ташкилотлар билан биргаликда «Тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи» лойиҳаси ўтказиб келинмоқда, — дейди Ҳаракатнинг Тошкент ви-

лояти кенгаши раиси Азамат Камолов. — Оромгоҳ якунида ҳулқи ижобий томонга ўзгарганлар ички ишлар бўлими профилактика ҳисобидан чиқарилади. Бугун Ҳаракатнинг тўққизта туман ва шаҳар кенгаши қошида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида ушбу марказларга 1223 нафар ёш жалб этилди. Уларнинг 32 нафари ИИБ профилактика ҳисобида турувчи вояга етмаганлар ҳисобланади.

Семинар сўнгида ҳамкорликда қилиниши зарур бўлган масалалар юзасидан режалар белгилаб олинди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири.**  
Сардор Муллажонов олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танлов мавзуси:** «Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш, қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш соҳасидаги давлат дастурлари талабларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар сиёсатининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш».

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

— «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган давлат ва жамият бошқарувининг устувор вазифаларини ҳал этишда ҳудудий нодавлат ОАВларининг фаол иштирокини таъминлаш;  
— давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваломбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш;

— аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини янада яхшилашда аҳоли орасида, айниқса, ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВ ролинини ошириш;

— аҳолининг, энг аввало, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва маънавий қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш, уларда мустақил тафаккурни тарбиялаш;  
— нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қўмаклашиш;

— миллий матбуотнинг сифати, маҳорати ва самарасини изчил ошириш;

— босма ОАВлари материалларини мамлакатимиз аҳолисининг аънавалари, менталитети, кўп асрлик ижтимоий ривожланиш тажрибаси ҳамда жаҳон тамадду-нининг замонавий ютуқларини ҳисобга

олган ҳолда касбий, ғоявий ва бадий савиясини юксалтириш;

— ОАВнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор механизмларини янада ривожлантириш;

— интернет журналистикасини ривожлантириш, миллий матбуотни халқаро медиаоламда муносиб ўринга эга бўлиши мақсадида унинг усулларини ўзлаштириш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати.

2. Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD дискдаги электрон варианты.

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

**Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18-00 га қадар қабул қилинади.**

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (A4 формат): 100035, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳқўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун телефон:**  
**239-26-76, 239-26-64.**

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танлов мавзуси:** «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга оширишда ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга, бандлигини оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, аҳоли турли қатламларига манзилли ижтимоий қўмак кўрсатишга йўналтирилган бошқа ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни бажаришда ННТ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ижтимоий шерикчилигини кучайтириш.

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

— аёллар ва ёшларни, ёш оилаларни, имконияти чекланган фуқароларни ҳамда аҳолининг қўмакка муҳтож бошқа қатламларини ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш;

— аёллар ва ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий химоя қилинишини, реабилитациясини, бандлигини таъминлашни янада кучайтириш, мамлакатимиз ҳудудларида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

— аҳолига янги иш ўринлари яратиш ва ишга жойлаштирилганга ёрдам кўрсатиш;

— ҳудудларимизда, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва халқ ҳунармандчилигини, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шакллари ривожлантиришга янада қўмаклашиш;

— ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш учун ша-роитлар яратишга ёрдам бериш;

— аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълими сифатини яхшилаш;

— жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини оширишга, жамиятимизда азалий миллий қадриятларимиз ва аъналаримизни, одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлашига

қўмаклашиш;

— аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати.

2. Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD дискдаги электрон варианты;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

**Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18-00 га қадар қабул қилинади.**

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (A4 формат): 100035, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳқўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун телефон:**  
**239-26-76, 239-26-64.**

# Тошкент. Навоий кўчаси...

Янги уй қурса, янги оила бунёд этса, қутлуғ бўлсин, деб қўйиш одати бор халқимизда. Бир қарашда оддий гап. Бир йилда минглаб уй қурилиши, яна шунча оила бунёд этилиши мумкин ва унда сира янгилик ё ўзгачалик йўқ. Аммо ўйлаб кўрилса, бу чиндан ҳам жуда улкан воқеа. Ҳар бир янги оила ёки янги уй соҳибининг кўнглида туйғулар дарёдек оқишини, унда орзулар томирдаги қондек жўш уришини, юрак яхши ниятлардан ширин энтиқишини бир ҳис қилиб ёки ўзингизни ўша инсонлар ўрнига қўйиб кўринг. Агар ўзбек бўлсангиз, «қутлуғ бўлсин»нинг қимматини ана шунда теранроқ англайсиз.

Дилда беҳисоб шукр билан, кўкракни кериб айтиш мумкин, бугун юртимизда «қутлуғ бўлсин» сўзи ҳар доимгидан-да кўпроқ ва баландроқ янграётди. Нафақат шаҳарларда, туман марказларида, балки қишлоғу маҳаллаларда бу сўзни эшитасиз, ўзингиз ҳам айтасиз, бу сўзнинг таъмидан, жарангидан маст бўласиз.

— Ассалому алайкум, онахон, — деймиш янги ўйнинг олдидаги кўкаламзорлаштирилган, янги ниҳоллар ўтқазилган боғ ёқасида невараларини етаклаб, сайр қилдириб юрган онахонга.

— Ваалайкум ассалом, — бизни танимайроқ турганини билдирмаслик учун табассум билан алик олади онахон.

— Чарчамайгина юрибсизми? Набираларни опчиқибсиз-да?

— Ай, болам, булар ҳаммаси шўх. Бахтимга бугун дам олиш куни. Мактабиям, боғчасиям йўқ. Бугун буларга мактаб ҳам, боғча ҳам ўзимман.

Кулишамиз. Ўзимизни таништирамиз. Муддаомизни айтмамиз. Ўзини Зиёева Мавжудахон Абдурахмоновна деб таништираган онахон билан тезда чиқишиб кетдик. У киши салкам қирқ йил фармацевт бўлиб ишлаган экан. Табиийки, кўпни кўрган, иссиқ-совуқни яхши билладиган онахон билан суҳбатлашиш бизга ҳам ёқиб қолди, у киши билан анчагача гаплашдик. Ўтмишу бугундан сўзлади онахон...

Дарвоқе, биз турган жой ҳақида айтмабман. Бу ер Тошкентнинг Навоий кўчасидаги янги қад ростлаган кўпқаватли янги уйлар олдидаги сўлим майдон. Бу ерга каштан, қарагай, эман кўчатлари ўтқазилган. Майсалар баҳорнинг хур-хур шабадасида тебраниб, энг тажанг одамнинг ҳам кўнглини қитиқлаб, унга ёқимли ҳисларни ҳада этгудек яшнаб турибди. Фавворалар, болалар учун ўйин ва спорт майдончалари, автомобиллар учун жой, сайил қилиш йўлаклари кўз ўнгида да ажиб манзара ҳосил қилади. Оилавий истироҳат қилишни хоҳлаганлар ёзинг жазирама кунларида транспортга чиқиб, бошқа боғларга сарсон бўлиб бориб юрмайди. Тўғри, дарахлар ҳали ёш, бироқ улар ҳадемай бир-бирига соя ташлаб қолади. Фотографимиз атрофни кузатади. Мен бўлсам, онахонни гапта тутаман.

— Маиший техника маҳсулотлари сотиладиган бетартиб, тикилинч дўконлар ўрнида мана шундай замонавий, яшаш учун қулай уйлар қурилади деб ҳеч хаёлга келтирмагандим, — дейди Мавжуда Зиёева. — Телевизорда ҳам кўрсатишди-ку, бу уйлар ҳурматли Президентимизнинг шахсан ташаббуслари ва ғоялари билан бунёд этилди. Энди, ўғлим, ундаги шароитларни, қулайликларни са-

наб, адо қилиш қийин. Бир жихатини айтмай. Бу уйлардаги хоналар кенг, шифтлари баланд. Ўзим тиббиётчи бўлганим учун бунинг аҳамиятини яхши билман. Биринчидан, бундай уйларда яшаган одамнинг қон айланиш тизими меъёрида ишлайди. Асабийлашиш ҳолатлари юз бериш эҳтимоли паст бўлади. Иккинчидан, кенг, ёруғ хонадонларга меҳмонларни бемалол, иккиланмасдан қақираверасиз. Меҳмонхона, ошхона, ётоқхона, болалар хонаси, ювенил хоналари турмуш тарзимизга мос лойиҳалаштирилган. Мутахассислардан эшитдим, уйлардаги ҳаво ҳарорати ва намлигини бир маромда сақлаш тизими шифт орасидан ўтказилибди. Ортиқча жой олмаган-да. Ҳа, айтгандай, уйларимиз шаҳардаги энг катта проспектлардан бирида жойлашгани билан, уй ичида кўча шовқинини сезмайсиз. Пиёдалар йўлкаси кенг, бу ҳам кўчада кетаётганлар учун, ҳам уйларда яшовчилар учун қулай.

Онахоннинг гапларини тингларканман, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, уларнинг бари инсон манфаати учун эканини ўйлайман. Бу шунчаки, чиройли сўзлар эмас, бинобарин, бугунги Ўзбекистондаги ободлик, фаровонлик, бунёдкорлик ишларининг ҳақиқий манзараси олдида арзимас таъриф. Киши қачон ўзини бахтиёр ва хотиржам сезади? Оиласи тинч бўлса. Иши яхши, фарзандлари соғлом, ҳаёти фаровон бўлса. Юртни улкан бир оила деб оларканмиз, шаҳару қишлоқларимизда халқнинг турмуши, меҳнат қилиши, керак бўлса, ўзи истагандек маданий ҳордиқ чиқариши учун яратилаётган қулайликлар ва шароитлар ана шу бахт ва хотиржамлик учун эмасми, аслида? Мамлакатимизнинг бош шаҳри бўлмиш азим Тошкентнинг яна ҳам кўркам ва обод бўлиши учун кўрилатган чоратадбирлар замирида ҳам ана шундай улғувор мақсадлар мумкин, албатта.

Бугун Тошкент шунчаки Ўзбекистоннинг пойтахти, йирик санъат ва маданият маркази, Ўрта Осиёдаги энг катта шаҳар эмас. У жаҳон даражасидаги улкан шаҳар. Мегаполис. Мадрид, Токио, Шанхай, Сеул, Париж шаҳарлари каби дунё аҳлини ўзига мафтун этаётган беқиёс маскан. Қувонарлиси, ўзига хос меъморий қиёфага эга, тарихийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган пойтахтимизнинг янада чирой очилиши йўлида улкан ишлар давом этапти. Шаҳар транспорт инфратузилмасини яхшилаш, кишилар ва автомобиллар ҳаракатланиши учун яна ҳам қулайликлар яратиш мақсадида кўприклар, кенг йўллар қурилди. Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига катта эъти-



бор қаратилди. Яшил ҳудудлар кенгайтирилди, ҳавонинг мусаффолигини сақлаб турувчи дарахлар экилди, гулзорлар ташкил қилинди. Буларнинг барчаси гўзал пойтахтимизнинг жаҳондаги энг чиройли ва яшаш учун қулай шаҳарлар қаторидан ўрин эгаллашига замин яратди.

Бирор-бир шаҳарга борганингизда биринчи бўлиб нимага эътибор берасиз? Албатта, кўчаларига, биноларига. Кўча ва бинолар ўртасида мутаносиблик кўрсангиз, балли, дейсиз. Йирик ва замонавий шаҳарларда кўчалар ва йўллар, бино ва иншоотлар, савдо комплекслари — барча-барчасининг гўзал меъморий уйғунлик касб этишига алоҳида эътибор қаратилади. Диққат қилсангиз, қадимий шаҳарларимизда ҳам шундай бўлган. Масалан, Самарқанд иморат ва минораларини осон ажрата оласиз-а, Бухоронинг тарихий обидалари ҳам шундай, ўзига хос. Хиваники бошқалариникига ўхшамайди. Худди шунингдек, бу шаҳарларнинг бугунги қиёфаси ҳам ўзгача. Тошкентнинг ҳам меъморий қиёфасини бошқа шаҳарларга қиёслаб бўлмайди. Кўчалари кенг, равон, сердарахт. Айниқса, марказий проспектлар. Уларнинг бўйида шўхрати етти иқлимга ёйилган бинолар, муассасалар, иншоотлар бор. Жумладан, ўзбекнинг ғурури, миллатнинг шаъни, халқнинг маънавий тожи саналмиш улғу бобоқалонимиз ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи шохкўчанинг шўхрати ҳам ҳаммага маълум. Буюк мутафаккир шоир, давлат ва жамоат арбобининг қутлуғ номига муносиб тарзда бу кўча чин маънода маданият ва маърифат, маънавият гўшаси дейишга аргизулик меъморий обидаларга бой.

Очиғини айтганда, бу кўчадан одамнинг пиёда юргиси келади. Қизик, кўча шовқин, уловлар серқатнов. Айтган манзилнингизга бир зумда элтиб қўядиган ўзбегим машиналарига тўла. Лекин бир томонда ҳашаматли санъат саройи, адабиёт ва ижод муҳабларига маълум ва машхур «Навоий-30», Миллий театр, яна бир тарафда янги бунёд этилган етти қаватли уйлар, адабиёт музейи, киносарой, бир-биридан кўркам магазинлар ва бошқа биноларни обдон томоша қилмай туриб, уларнинг гўзаллигидан баҳра олмасдан, «лип» этиб ўтиб кетишга одамнинг кўзи қиймайди.

— Бир минутга, ўғлим.

Ортимга ўгирилдим.

— Мени чақираяпсизми?

— Ҳа, ўғлим, сени чақирдим. Ма, мановиндан мени расмга олиб қўй. Сурхондарёдан келдим, Жарқўрғондан. Тошкент жуда-а ўзгариб кетибди. Айлан-иб, томоша қилиб юрибман. Ҳа, яша. Энди мана бу уйларга қаратиб бир ол. Бунинг баландлигини қара. Тепасига қарасанг, телпагинг тушиб кетаман дейди-я...

Сурхондарёлик ватандошимизни кузатиб, ўзимга ўхшаган одамни учратганимдан қулиб қўяман. «Чорсу» тарафдан пиёда келаяпти. Иккита бекатдан ўтди, автобусга минмади. Нуқул суратга туширади ёки кимгадир туширтиради. Унгаям бу кўчада яёв юриш ёқаркан-да, қаранг!

Мавжудахон она билан секин уйга қараб юрамиз. Онахон катта невараси Муслимаҳонга укаси Абдуллага яхшилаб қарашини, ўйнаб бўлгач, тезда уйга киришларини тайинлаб, бизни уйга бошлайди. Подъездга киримиз. Дарвоқе, уйлар замонавий қўриқлаш ускуналари, дофон тизими билан жиҳозланган. Санузел хоналари подъезд деворига туташтириб қурилган. Лифтлар кабинаси кенг, ёруғ ва шинам. Зиналар керамик плиталар ва силлиқ гранит плиталар билан ишланган. Кенг ва чиройли.

— Эй, болам, бу кунларни фақат орзу қилиш мумкин эди бир вақтлар, — дейди онахон. — Сиз тенги фарзандларим, невараларим бор. Ҳаммаси ўқимишли, юртпарвар инсонлар бўлиб улғайди. Уларни кўриб, худого минг қатла шукр, дейман. Одатда, киши ўзи яшаётган жойни мактаб гапирмайди. Аммо сиз қизиқаётган экансиз, айтаяпман. Мана шу яшаб турган уйимизнинг биринчи, иккинчи қаватини кўргандирсиз. У ерда бир-биридан чиройли, замонавий дўконлар, хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган. Зарурат туғилса, «лип» этиб у ерга тушиб чиқиш мумкин. Биз, кексалар учун бунинг қанчалик қулайлигини ўзимиз ҳис қиламиз-да. Ўғиллар, келинлар ишда пайти, невараларни олиб, у ерни айланиб юришнинг ҳам бўлакча завқи бор. Сизга ўхшаган ёшлар учун ҳам бу жуда ўнғай. Улар ўзлари истаган буюмни шу ердан топишади. Мана шундай шароитларни яратиш бергани учун аввало мухтарам Юртбошимизга минг раҳмат. Юртимиз, шаҳримиз

кўрқига кўрк қўшаётган бунёдкорларимизга ҳам ташаккур.

Навоий кўчасида барпо этилган ҳар бири етти қаватли саккиз уйдан иборат мажмуани айланиб ўтиб, яна марказий проспект бўйлаб юра бошлаймиз. Кўча яна гавжумлашган. Савлат тўкиб турган Ўзбек Миллий академик драма театри биносининг олдида юзлаб юртодошларимиз туришибди. Ҳадемай, сеанс бошланади. Ана бир гуруҳ тенгдошларимиз елкасида сумка, рюкзак билан кетишмоқда. Эҳтимол, бирор тўғрақ машғулотидан қайтишаётгандир. Бекатлар ҳам гавжум. Баҳорнинг илиқ тафти босилиб, ёқимли салқин шабада эса бошлагани юраги ёниқ тенгдошларимизни кўчага, хиёбонларга чорлаган кўринади. Янги ўқиш ҳафтаси бошланиши олдида мазза қилиб ҳордиқ чиқараман, деган ёш учун Навоий кўчасидан ҳам яхшироқ яна қандай жой бўлиши мумкин? Қолаверса, проспектининг Миллий театр жойлашган томонида китоб дўконлари кўп. Мустақил ишми, рефератми, битирув малакавий ишми ёзаётганлар учун улардан ҳам кўра яхшироқ кўмакчи бормикан? Шартта кирасан, ўзингга керакли китобни оласан, кутубхонадаги каби китобни қайтариб бериш йўқ бу ерда — сотиб оласан, ўзингники бўлади. Ҳеч бўлмаса, ҳордиқ кунлари қоғоз-қаламдан йироқ бўлай, дейдиганлар учун ҳам бу кўча асқотади. Марҳамат, шаҳар гўзалликларидан баҳраманд бўлинг! Озгина юрсангиз, ўнг қўлда — цирк. Яна бир машхур театр ҳам шу яқин атрофда. Истанг, афсонавий «Чорсу»га кириш. Савдо мажмуаларини айланинг, харид қилинг...

Биз бугунча бу роҳатлардан воз кечиб турадим. Чунки бизда роҳатланишнинг бошқача «рецепт»и бор эди. У — юрт жамолидан сармаст бўлиш, бу ҳақда сиз, ўқувчиларни-да хабардор этиш эди.

— Катта планда олдингизми? — сўрадим суратчимиз Сардордан.

— Олдим, — деди у жилмайиб.

Шаҳримизнинг энг ажойиб, жозибадор ва соҳир кўчасида икки йигит шошмасдан, ён-атрофни ҳайрат ва ҳавас, қувонч ва фахр билан кузатиб, суҳбатлашиб борарди. Улар биз эдик...

**Элмурод НИШОНОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири.**  
Сардор Муллажонов  
олган сурат



Kasb-hunar ta'lim maskanlarida

## Хар соҳада фаол

### бўлгуси педагоглар

Ҳадемай, мактабда таҳсил олаётган 9-синф ўқувчилари мактаб билан хайрлашиб, ўқишни коллеж ва лицейларда давом эттиришга чоғланади. Шунда, табиийки, уларнинг олдида қайси коллеж ёки лицейга кирсам экан, қайси касбни танласам, ҳам юртимиз, ҳам ўзим учун фойдали бўлади, деган савол туради.

Ўйлаймизки, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган коллеж ҳақидаги маълумотлар бу борада уларга ёрдам беради.

Гап шундаки, Навоий педагогика коллежи нафақат вилоятдаги, балки республикамиздаги кўзга кўринган ўқув муассасаларидан бири.

Атрофи гулзор, мевали ва манзарали дарахтлар қўйнида жойлашган таълим даргоҳига кириб борар эканмиз, маскан атрофидаги саранжом-сарихталикдан дилимиз яйради. Айни вақтда 1955 нафар ўқувчининг барчаси аъло ва яхши баҳоларга ўқишга ҳаракат қиляпти. Уларга 183 нафар жонкуяр ўқитувчи таълим-тарбия беради.

Бизни очик чехра билан қарши олган коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Жонибек Шодмонов билан дарс жараёнини кўздан кечирдик.

Таълим масканида ёшларга яратилаётган шароитлар рисоладагидек. Шинамгина ошхона, кутубхона, керакли анжомлар билан жиҳозланган спорт зали, ўқувчилар тураржойи, фотостудия — буларнинг бари мавжуд имкониятларга мисол бўла олади.

Биз бу даргоҳни яхшироқ ўрганиш мақсадида устозлар ва ўқувчилар билан суҳбатлашдик.

**Ўролбой Орипов, коллеж директори, филология фанлари номзоди:**

— Таълим масканида ўқувчилар етти йўналиш бўйича таҳсил олади. Булар: ихтисослаштирилган (махсус) ва бошланғич таълим муассасалари тарбиячиси, компьютер ва компьютер тизимларини созлаш ва таъмирлаш техниги, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси, жисмоний тарбия ва болалар спорти бўйича мураббий, мусиқа таълими, архившунос ва иш юритувчи, ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси.

Асосий мақсадимиз юртимизга билимли, малакали, хар томонлама намуна бўладиган педагогларни тарбиялашдир. Коллежда таълимни янада яхшилаш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, йўналишлардаги иқтидорли ва аъло баҳога ўқийдиган ўқувчилар доимий равишда рағбатлантириб борилади. Ўқувчиларимиз республика фан олимпиадаларининг турли босқичларида, спорт мусобақаларида, республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда та-

шабускорлик ва ижодкорлик сифатларини намоён қилишяпти.

**Азамат Норбеков, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари:**

— Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни асосида мақсадли ишларни ташкил этиш ва иқтидорли ўқувчиларнинг ноёб истеъдодини юзага чиқариш мақсадида кўпгина ишлар қилинган. Шеърят бўйича Гулифар Тўхтаева, Гулноз Раҳматова тоштарошлик бўйича, Дилобар Ёдгорова замонавий зардўзлик бўйича катта ютуқларни қўлга киритиб келаяпти. Ўқувчиларимиз вилоятимизнинг Томди тумани, Зарафшон, Учқудук, ва Навоий шаҳарларидаги мактабгача таълим муассасаларида ўз мутахассисликлари бўйича самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

**Феруза Ҳаккиева, коллеж ахборот-ресурс маркази раҳбари:**

— Ўқувчининг билим даражасини унинг қандай китоб ўқиётганлигидан билса бўлади. Ахборот-ресурс марказимизда 19138 та бадиий ва илмий китоб бор. Коллеж кутубхонасида 2497 та бадиий адабиёт, дарсликлар ҳамда қўлланмалар мавжуд. Ўқувчиларнинг барчаси кутубхонага аъзо. Уларнинг китобга бўлган муносабатини кўриб қувонаман.

**Хайринисо Тиллаева, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси йўналиши 3-курс ўқувчиси:**

— Мен танлаган соҳамга қизиқаман. Авваламбор, педагог болаларни севиши керак. Болага билим, таълим-тарбия билан бирга, меҳр ҳам бериш керак. Шунда кутулган натижага эришилади. Мен ўз шогирдларимга сабоқ беришда меҳрибон, жонкуяр устозларимдан ўрганганларимни ишга соламан. Болалар — менинг жону дилим.

**Дилнавоз Жуманазарова, жисмоний тарбия ва болалар спорти бўйича мураббий йўналиши 2-К гуруҳ ўқувчиси:**

— Спорт — гўзаллик, саломатлик, демакдир. Ёшлигимдан спортнинг кўплаб турлари мени ўзига тортарди. Мен бу ерда таҳсил олиш билан бирга, спортда бир мунча ютуқларни қўлга киритдим. Бундан устозларим, яқинларим фахрланишади. Келажақда таҳсилни институтда давом эттиришни ният қилганман.

Таълим масканида иқтидорли ўқувчилар билан бир қаторда Дилшоода Рамазонова, Дилнавоз Жуманазарова, Фаррух Неъматов, Шохиста Бахтиёрова, Дониёр Шокиров, Илҳом Мамашукуров, Сулаймон Обидов каби моҳир спортчилар ҳам таҳсил олишаркан. Биз катта қизиқиш ва ҳаракатлар билан замонавий билимларни эгаллаётган бўлажак педагогларнинг ўқиш ва ишларида омад тилаб хайрлашдик.

**Майсара НАЗАРОВА,**  
«Turkiston» муҳбири

# Мен таржимон бўлмоқчиман!

Жамшид мактабнинг аълочи ўқувчиларидан. У бугун уйқудан жуда эрта турди. Юз-қўлини ювиб, ўзича бир кўшиқни хиргойи қилиб кириб келганини кўрган онаси Зилола опа:

— Ҳа, ўғлим, бугун жуда хурсанд кўринасан, — деди жилмайиб. Жамшид онаси туганган дастурхон ёнига ўтирар экан:

— Ойижон, бугун бизда чет тили дарси бор. Уй вазифаларини аллақачон бажариб қўйганман, — деди қувноқ оҳангда. — Биласизми, ойижон, инглиз тили ўқитувчимиз кечаги дарсда мени мақтади. Агар шундай ўқишда давом этсанг, сендан зўр таржимон чиқади, деди.

Зилола опа ўғлининг гапидан ичида мамнун бўлса-да, унга билдирмади. Она ўзи шундай, фарзандларига жуда талабчан, кўпам мақтайвермайдди. Лекин бу гал сал бошқачароқ йўл тутди.

— Баракалла, ўзимнинг аълочи болажоним, — деди иссиққина чойни дастурхонга олиб келиб кўяр экан. — Яхши ўқисанг, албатта, устозинг

айтгандек бўласан. Лекин инглиз тилини деб бошқа фанларни унутиб қўймагин-а.

— Йўқ, ойижон. Бошқа фанлардан ҳам баҳоларим беш.

Дастурхон атрофида оила жамулжам суҳбатлашиб ўтиришди. Отаси Жамол ака фарзандларидан бугун неча соат дарслари борлиги, уйга вазифаларнинг ҳаммасини бажаришгани, бугун мактабдан сўнг қандай юмушлари борлигини сўради. Жамшидга навбат келганда, у боягина онасига айтган гапини айтди.

— Дадажон, эсингиздами, мендан қайси касбни танлайсан, деб сўраганингизда, мен, билмадим, кўп нарсага қизиқаман, дегандим.

— Ҳа, ўғлим, шундай дегандинг, — деди Жамол ака ўғлининг катта одамлардек гапирётганидан кулимсираб.

— Мен бугун ким бўлишимни билиб олдим. Мактабни тамомласам, таржимон бўламан.

— Бунинг учун чет тилини зўр билиш керак. Ўзи инглиз тилидан ўқиш-

ларинг яхшими? — сўради отаси.

— Яхши, дада. Ҳамма дарслар қизиқарли ўтиляпти. Айниқса, чет тили дарси жуда қизгин ўтади. Инглиз тилида ўйинлар ўйнаймиз. Шеърлар ёдлаймиз. Мен ўқитувчимизнинг ҳамма топшириқларини бажараяпман.

— Баракалла, ўғлим. Сизлардан онанг иккимизнинг умидимиз катта. Зўр ўқинглар. Агар ўқув йилини аъло баҳоларга тугатсаларинг, таътилда Самарқанд билан Бухорога олиб бораман.

— Ур-ре! — деб юборишди болалар.

— Тошкентга олиб борасизми? — сўради Жамшиднинг укаси Анваржон.

— Албатта, — деди Жамол ака. — Агар математикадан ҳам беш баҳога ўқисанг, Тошкентга олиб бораман.

Оила аъзолари — отаси Жамол ака ишга, Жамшид, унинг опаси Сурайё ва укаси Анвар мактабга отланди. Ҳаммаларининг кайфияти чоғ эди.

**Ақбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ**

Shunday markaz bor

## Ҳунарнинг ортиқчаси бўлмайди



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қўштепа тумани кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази Дўрмон қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган. Унда қишлоқ ёшлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва хунармандлик йўналишларида хунар ўрганишади. Уч ойлик курсда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қизлар оила, рўзғор учун зарур бар-

ча ишларни, хунарларни эгалласа, хунармандлик йўналишидаги қизлар кийимлар бичиш ва тикиш, элита пардалар тикишни ўрганишади.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» муҳбири

**СУРАТДА:** хунармандлик тўғрисида раҳбари Ҳафиза Холматова ўз шогирдлари билан.

# Бойлигингни асранг!

Соғлиқ — туман бойлик, дейишади. Ҳеч қаерингиз безовта қилмаган, бутун вужудингиз саломатлик неъматидан тўла баҳраманд бўлиб юрган вақтингиз қандай ҳам бахтлисиз-а? Ана шу улуг неъматнинг, яъниким, халқимиз айтмоқчи, туман бойликнинг қадрига етиш ҳам катта саодатдир.

Ана шу саодат ҳаммиша йўлдошингиз бўлишини тилаган ҳолда, кишилар ўртасида учраб турадиган ошқозон касалликларидан бири, аниқроғи, меъда саратони ҳақида баъзи маълумотларни бериб ўтмоқчимиз.

Инсон организмда учрайдиган ёмон сифатли ўсмалар орасида меъда раки биринчи ўринни эгаллайди. Бу касаллик МДХ мамлакатларидан Россия, Беларусь, Латвия ва Литвада кўпроқ учрайди. Касалланиш кўрсаткичлари Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Грузияда пастдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ошқозон раки энг кўп учрайдиган мамлакатлар Япония, Финляндия, Исландия, Швейцария, Дания ва Коста-Рикадир. Касалланишнинг паст кўрсаткичлари АҚШ, Таиланд, Парагвай, Индонезия, Нигерияда кузатилади.

Ўтказилган илмий излашлардан сўнг маълум бўлдики, бу касалликнинг келиб чиқишига одамларнинг овқатланиш сифати, тартиби ва таркибининг бу-

зилиши, чекиш, спиртли ичимликларга ружуъ қўйиш сабаб бўлади. Шунингдек, касалликнинг келиб чиқишида ошқозон шиллиқ пардасида учраб турадиган вируслар, кимёвий ва радиоактив факторларнинг роли ҳам инкор этилмаган.

Ошқозон ракиннинг келиб чиқиш механизми ёки шиллиқ парда ҳужайраларининг ўсмага айланиш сабаблари тўлиқ аниқланмаган бўлса-да, мутахассислар ўтказган текширишлар натижасида баъзи нарсалар маълум бўлган. Хусусан, сувда учрайдиган нитрит ва нитрат тузлари, бериллий, кадмий, кўрғошин, никель моддаларининг юқори миқдори ошқозон ракиннинг ривожланишида маълум роль ўйнаган экан.

Меъданинг ёмон сифатли ўсмаси соғлом тўқимадан ҳосил бўлмайди. Унинг ривожланишига бу аъзода кузатиладиган у ёки бу даражадаги органик ўзгаришлар сабаб бўлади. Уларнинг барчаси умумлаштирилган ҳолда ўсма олди касалликлари деб аталади.

Уларга сурункали гаст-

ритлар (яллиғланиш), ошқозон полипозиди (яъни сифатли ўсмалари) ва яра касаллиги, темир моддаси етишмаслигидан ривожланадиган камқонликни киритиш мумкин.

Бу касалликлар одамларда узоқ йиллар давомида кузатилиб, ҳар доим ҳам раққа ўтавермайди. Касалликларнинг клиник белгилари аксарият ҳолларда бир-бирига ўхшаб кетади. Беморда ҳолсизланиш, иштаҳанинг пасайиши, қориннинг юқори қисмида оғриқ пайдо бўлиши, кўнгил айнаши, зарда қилиш, ичининг қотиши, қайт қилиш каби умумий клиник белгилар кузатилади.

Ўсма олди касалликларини аниқлаш даволаш-профилактик муассасаларида клиник, рентгенологик ва эндоскопик текширишлар ёрдамида амалга оширилади.

Бу беморлар шифокорлар кўрсатмасига асосан поликлиника шароитида, кундузги даволаниш ва стационар бўлимларида даволанишлари мумкин.

Ҳар бир киши ўз соғлиғи тўғрисида, авваламбор, ўзи қайғуриши, кенг фаолият кўрсатаётган поликлиникаларга ва диагностика марказларига мурожаат қилиб, профилактик кўриқдан ўтиб туриши мақсадга мувофиқдир.

Ошқозон ракиннинг клиник белгилари хилма-хил бўлиб, у ўсманинг ҳажмига, жойлашган жойига боғлиқ. Касаллик клиник белгиларсиз

ёки ўсма олди касалликларнинг клиник белгилари ниқоби остида кечиши мумкин.

Бемор ҳолсизланишдан, иштаҳанинг йўқлигидан, қориннинг юқори қисмида бироз оғриқдан, иситма чиқишидан, руҳий ҳолатининг ёмонлашишдан шикоят қилади.

Ошқозон бошланиш қисмининг раки ютилишнинг қийинлашувига олиб келиши, юрак касаллигининг клиник белгилари (юрак ва кўкрак қафаси соҳасида оғриқ пайдо бўлади) ниқоби остида кечиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган белгиларни ўзида кузатган киши дарҳол шифокорга мурожаат қилиши лозим.

Клиник, рентгенологик, эндоскопик ва ультратовуш ёрдамида текшириш усуллари ошқозон ракини ўз вақтида аниқлаш имконини беради ва бемор бу оғир дарддан соғайиш имконига эга бўлади.

Беморлар фақат онкологик шифохоналарда даволашлари лозим. Ҳар хил табибларга, экстрасенсларга мурожаат қилиш беморни касалликдан тўзалиб кетиш имкониятини кечиктириши ёки ундан маҳрум этиши мумкин.

**Саиджон РЎЗИЕВ, Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси шифокори, тиббиёт фанлари номзоди**

## Tibbiy hudud



## Рекордчи қуён

Ралф лақабли қуён рекорд даражада семирди. Тўрт яшар бу жониворнинг оғирлиги нақ 22,6 килограммга етди.

Ҳозирга қадар 22,2 килограмм натижа билан Дариус лақабли қуён етакчилик қилаётган эди. Қуённинг эгаси, англиялик Полин Грантнинг сўзларига қараганда, жонивор семиз бўлса-да, соғлиғида муаммо йўқ. Ветеринарлар Полинга қуён тановул қилаётган овқатларни тартибга солишни маслаҳат беришди. Полиннинг фикрича, бу — нотўғри. Қизалоқ очофат қуёнининг овқатдан қийналишини хоҳламайди. Ҳафтасига қарам, олма, сабзи, бодринг, маккажўхори ва қуёнлар учун махсус овқатга 50 фунт сарфлар экан. Шунингдек, бу эрка қуён қафасда яшамас, уй эгалари билан бирга турар, хоҳлаган вақтида хоҳлаган хонанинг эшиги у учун доимо очиқ. Бундай шароитда қуён янаям семирса, ажаб эмас. Қизиқувчилар учун бақалоқ қуённинг видеотасвири Youtube сайтида жойлаштирилган.

## Уч аср яшади

Бутун Европада энг кекса аёл сифатида этироф этилган Мария Радаэлли салкам 114 ёшида вафот этди.

Радаэлли момо Италияда 1899 йилнинг 3 апрелида таваллуд топган эди. 114 ёшни қаршилашига бир кун қолганда онахон вафот этди. У икки фарзанднинг онаси, қирқ йилдан кўпроқ муддат ип йиғириш фабрикасида меҳнат қилган. Шунингдек, Мария Радаэлли «Интер» футбол клубининг фахрий муҳлисаси ҳам эди. Унинг барча тадбирларида иштирок этган. «Интер» клуби вакиллари чуқур қайғуда эканлигини билдириб, ўз расмий сайти орқали клуб президенти Массимо Моряттининг Мария Радаэлли шаънига айтган илиқ фикрларини тақдим этди. Маълумотларга қараганда, «Интер» клуби 1908 йилда ташкил топган бўлса, ўшанда тўққиз яшар бўлган Радаэлли клубга меҳр қўйган экан.

## Бразилияда автобус ҳалокати

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида автобус нақ 10 метр баланглиқдан пастга қулади. Натижада, етти киши ҳалок бўлди, ўндан ортиқ киши эса, оғир тан жароҳати олди.

Кўприк устида йўловчи автобуси бошқарувни йўқотган ва тўсиқларни бузиб, кўприқдан қулаган. Маълумотларга қараганда, ҳайдовчи йўловчилардан бири билан йўл ҳақини деб қаттиқ тортишиб қолган. Воқеа содир бўлган жойга кутқарувчилар вақтида етиб борганлари ҳам анча самара берди. Ҳозирча шифохонада ётганларнинг аҳволи ошқор этилмапти.

**Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

## Истеъдодлар синовиди

Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар бўлими қошида фаолият олиб бораётган «Онажоним — шеърят» тўғарагида ўтказилган навбатдаги машғулот ҳам ҳар доимгидек мушоира билан бўлди. Тўғарак иштирокчилари энгзуликни тараннум этувчи шеърларидан ўқиб бердилар.

Шу кунларда ҳар йили «Ижод» жамоат фонди томонидан молиялаштирилиб, «Адиб» нашриётида чоп қилинадиган «Биринчи китобим» лойиҳаси учун кўплаб ёш ижодкорларнинг қўлёмалари таҳлил қилинмоқда. Машғулотларнинг иккинчи ярми шу лойиҳага ижод намуналари киритилган тўғарак аъзоси Кумуш Ўсарованинг шеърлари баҳс-мунозараси билан давом этди.

Муҳокама жараёнида Кумуш Ўсарованинг «соқов таёқ» ташбеҳи кўпчилиқнинг эътиборини тортди. Айримлар бунга мантиқан нотўғри ёндашув сифатида қараган бўлса, бу топилмани тўла асослаб бергувчилар ҳам бўлди. Яъни-

ким, чўпоннинг таёғи баъзан қўй ҳайдайди, баъзида ҳасса бўлади, аммо нима бўлганда ҳам унинг тили йўқ.

— Мен Кумушнинг қишлоқ ҳақидаги шеърини ўқиб, тўлқинланиб кетдим, — дейди адабиётшунос Олим Тўлабоев. — Балки унда жузъий хатолар, хижолат тенгсизлиги ёхуд шунга ўхшаган техник тузатмалар бўлиши мумкин, аммо 84 мисрада ўз хиссиётларини бир маромда ушлаб туриш баъзан катта шоирларимизга ҳам қийин бўлиб қолади. Уни мана шу истеъдоди билан бемалол табриқласак бўлади.

Умуман олганда, бу адабий тўғарак адабиёт ихлосмандларини кун сайин янги ижодий жараёнлар билан таништириб боришга хизмат қилса, янги ижод остонасида турган ёшлар учун синов майдони, ўзни намоён этгучи минбар бўлиб хизмат қилмоқда.

**Даврон РАЖАБ**



Сен бегуборлик Рамзисан, ёмғир.

### ЮРАК ЭШИК ОЧДИ...

Онажон, сиз билан ёруғдир олам,  
Сиз борсиз, билмамай фарзандлар армон.  
Сизнинг меҳрингиз-ла файзли кунимиз,  
Бахтимиз бекамдир, дилимиз шодон.

Гарчи ҳаёт тўла бойликка, зарга,  
Бироқ меҳр олдида барчаси абас.  
Йиғилиб келса-да ўша бойликлар,  
Қиймати бир тола сочингизчамас.

Она, онажоним, меҳрибонгинам,  
Номингиз атасам, кетади дардлар.  
Аламлар, андуҳлар тарк этар зумда,  
Юрак эшик очар севинчу бахтга.

Онажон, сиз билан ёруғдир олам,  
Сиз билан тўқисдир бу кўҳна жаҳон.  
Сизнинг меҳрингиз-ла гуллагай боғлар,  
Ободдир кўнглимиз, билмамай армон.

**Гулбаҳор ЖЎРАЕВА,**  
Тошкент ирригация ва мелiorация  
институту талабаси

## Yoshlik ilhomi

### МАҒРУРА

Айтгандингиз юракка  
бир яқин сўзни,  
Тингламадим, уни қалбга ўйиб битдим.  
Хануз ўша сўз сеҳрдан масрураман,  
Сизни кутдим, фақат,  
фақат сизни кутдим...

Айтинг, нега жим кетдингиз,  
бир сўз айтиб,  
Бошқага ҳам айтдингизми ё бу сўзни?  
Ё бир гуноҳ ўтдимикан биздан, айтинг,  
Наҳот, ранжитасиз бир қароқўзни?

Мен қуймайман битта сўзининг озоридан,  
Фақат битта тилагим бор,

оғир олманг.

Майли недан воз кечсангиз,  
кечаверинг,

Сўз улугдир, айтдингизми,  
ундан тонманг.

**Зарнигор ҲАМРОЕВА,**  
Навоий вилояти

### ЁМҒИР

Қўқламнинг шўх қизисан, ёмғир,  
Ё илҳомнинг ўзисан, ёмғир.  
Юракдан қуйилган туйғудай,  
Қўқдан қуйиласан, ёмғир.

Қўшиқмисан, қуймисан, ёмғир,  
Ё сен шеърнинг ўзисан, ёмғир,  
Бахшилар дилидан ёрилган сўзсан,  
Дўмбирадан тўқилган навосан, ёмғир.

Биллурдай тиниқсан,  
Нурдай тиниқсан.

Фалаба шуққуҳи нақадар тотли, нақадар завқли! Сурагдаги тенгдошларимиз айни лаҳзаларда шу туйғуни бошдан ўтказишяпти. Гап шундаки, пойтахтимиздаги «Жар» спорт марказида 1993-1994 йилларда туғилган қизлар ўртасида дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда нуқуллик тенгдошларимиз — Фарида Жумабоева биринчи, Шаҳрибону Жаҳсимуродова иккинчи, Гулжаҳон Эрикеева учинчи ўринни эгаллади.



Сардор Муллажонов олган сура

## Яшил майдонда — дерматологлар

Республика дерматология ва венерология илмий марказидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотининг ташаббуси билан ёш ходимлар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Унда ординаторлардан иборат «Камолот»чилар жамоаси ҳамда шифокорлар жамоаси ўзаро беллашди.

— Ходимлар ўртасида спорт мусобақаларини тез-тез ўтказиш анъанамиз бор, — дейди Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти етакчиси Шораҳмат Шораҳмедов. — Хусусан, футбол турнири кўпчилик ходимларимизни қизиқтиради.

Уни ташкил этишда раҳбарият ҳамда маънавият-маърифат бўлими яқиндан ёрдам берди. Марказимизда футбол майдони ҳамда спорт майдончаси барпо этилган. У ерда спорт билан шуғулланишимиз учун барча қулайликлар бор.

## Boshlang'ich tashkilotlarda

Май ойида бошланғич ташкилот аъзолари иштирокида спартакиада ўйинларини ташкил этмоқчимиз. Бундай лойиҳалар ёш ходимларнинг ишдан сўнг маънавий хордиқ чиқаришлари, бирлашишларига ёрдам беради.

Қизғин ўтган мусобақадан сўнг голиб ва фаол ўйин намойиш этган иштирокчиларга эсдалик совгалар топширилди.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Шод-хуррам									Фото, сурат		Кўшиқдаги юқори парда		Тўрт томони сувли ер		Момо (шевада)
Хафта кўни	6				8				Бино						
	3		9												
	9	8	2	5					Маргарин хили	Сунъий сув ҳавзаси		Юз қисми, энгак		... Билан (қўшиқчи)	Ошбоп хушбўй уруғ
			4	1	9										
	5	2	8	6	4	9					Дарахт томири				
			5	3	2										
				9	4	8	5								
				2	6				Кўрсатиш олмоши	Ойликдан улуш, бунак			Таажжуб, қизиқ		Боғла-ниш, робита
			7		1										
								От нағали			Етуқлик, балогат				
	Толе, омад		Хўл мева тури					Маржон тизими	Ифтихор, гурур		Қадам, юриш	Тасма, қайиш			
Муз тоғ	Лола ... (хонанда)		Илғор, пешқадам					Асотир, ривоят					Шиддатли ёмғир		«... Ўзбекистон» (кўрсатув)
											«...-тинчимас одамлар-ей» (фильмдан)		Ботқоқ «булбул»и		
	Дада, ада (шевада)							Кашфиёт						Моҳир, уста	
	Кўпқават уй айвончаси	Микроскоп ойнаси		Қишнинг иккинчи ойи		Италия пойтахти									
						Меросхўр, издош	Денгизчилар ичкилиги		...- синоат						
	Пуч баҳо			Нота боши											
						Нон тури									
	Новвойнинг енгчаси		Дам, хордиқ						Мусавир, ранг тасвир устаси						

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

## Баҳорий ҳолсизлик...

Фасллар алмашилиши, табиатда юз бераётган ўзгаришлар, айниқса, ўсаётган ёшлар организмга таъсир этмай қолмайди. Баҳорда ҳаво жуда ўзгарувчан бўлади ва бу кўпгина касалликларнинг қўзғалишига олиб келиши мумкин. Баъзи ёшларда тез чарчаш, асабий зўриқиш кузатилади. Хўш, баҳорда ёшлар орасида қайси касалликлар кўп учрайди ва уларнинг олдини олиш чоралари қандай? Бу каби саволларга Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги «Гатлинг-Мед» хусусий клиникаси бош врач, олий тоифали шифокор Дилором Раҳматуллаевдан жавоб олдик.

— Баҳорда ҳавонинг ўзгариши натижасида айрим ёшлар камқонлик, қувватсизлик, жигилдон қайнаши, оғизда тахирлик сезиш каби шикоятлар билан мурожаат қилади. Кунлар исиб, турли газли ичимликлар ва тез тайёрланадиган егуликларга эҳтиёж ошиб боради. Нотўғри овқатланиш эса ошқозон-ичак касалликларининг қўзғалишига сабаб бўлади. Баҳорда ош-



қозонда, ўн икки бармоқли ичакда эррозия, шиллик моддалар кўпайиб кетиши, ўт қопида ўзгариш, ўт ширасининг лойқаланиши, баъзиларда қабзиятга мойиллик бошланади. Бундай ҳолларда тартибли овқатланиш, айрим зарарли маҳсулот, таомлардан парҳез тутиш муҳимдир.

— Бу фаслда учрайдиган аллергия касалликларининг асосий сабаби нимада?

— Куртақларнинг ёзилиши, ўт-ўлан ва дарахт гулларида тарқаладиган чанглар иммуноглобинларни кўтаради. Натижада, аллергия касалликлар, полиноз, нафас йўллари аллергияси зўраяди. Аксириш, бурундаги қичишиш, кўз ёшланиши аллергия касаллик белгилари ҳисобланади. Кўпчилик аллергия касалликлардан қутулиш мақсадида антигистамин воситаларни қабул қилишга тушади. Бироқ шифокор маслаҳатисиз уларни қабул қилиш ўринли эмас.

Бундан ташқари тинимсиз ишлаш, асабий зўриқиш ҳам турли касалликларнинг асосий сабабчиси бўлиши мумкин.

— Ушбу касалликлардан ҳимояланиш учун қандай чоралар кўриш керак?

— Турли янги сабзавотлардан салатлар, мевали коктейллар ва албатта, қатиқ ичиш жуда фойдалидир. Қатиқ организмга етарли даражада тушолмаётган моддаларнинг тушишида ёрдамлашади. Шифобахш ўтлардан тайёрланган тинчлантирувчи дамламалар, асаб тизимини тикловчи витаминлар буюрилади. Сабзавот, мевалардан ташқари хушбўй мойлар солинган ванна қабул қилиш чарчоқни олади ва уйқуни яхшилаيد.

ЎЗДЖТУ талабаси  
Шоҳсанам МАҲМУДОВА суҳбатлашди

## YON DAFTARCHANGIZGA

Баднафсликдан қутула олган одам муҳтожликдан ҳам қутулади.

Иммануэл Кант

### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»  
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
билан рўйхатдан  
ўтган.



### Бош муҳаррир:

Ашуrow Салим Тўраевич

### Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

### Навбатчи муҳаррир:

Худойбердиева  
Дилбар  
Эркиновна

### Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

### Телефонлар:

(371) 233-95-97. (371) 233-79-69

e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-443.  
Адади — 13965

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 22.25  
ЎЗА якуни — 22.10

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6